

## ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР, КРЕАТИВ ПЕДАГОГИКА ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Жаҳонгирова Муслима Насимхон кизи**

*Наманган давлат педагогика институти талабаси*

**Аннотация:** *Ўшбу мақолада таълим тизимида интерфаол методлари, креатив педагогика ва инновацион таълимдан оқилона фойдаланиш ҳақидаги айрим фикрлар юритилган.*

**Калит сўзлар:** *интерфаол метод, креативлик, таълим, ижод, инновацион таълим, инновация, педагогик технология.*

Барчамизга яхши маълумки, ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиёти ҳамда ривожланиши инсон омилига, хусусан, ёш авлоднинг илмий, ижодий ва маънавий салоҳиятига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этувчи мамлакатимизда ёшлар сиёсати самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун Ўзбекистонда ёшларнинг эзгу мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур барча шароитлар яратилмоқда. Ёшлар муаммолари давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда.

2017 йил 30 июнда мамлакатимиз ёшлари ҳаётида янги саҳифа

очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди, унинг асосий фаолияти ёшларнинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга қаратилди.

Инсон цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай олганлар, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малакали мутахассисини тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Бу эса вақт ўтиши билан инсон қобилиятига айланадиган юксак маҳорати ва тажрибасига боғлиқ бўлиб, шу ўринда ватандошимиз, қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг «Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагагина кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган новбатдаги авлодга етказиб беради»[1] деган фикрини ёд этайлик.

Буюк қомусий олимнинг бу сўзлари миллатимиз, халқимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам муҳим ва долзарбдир.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамдамалакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўқитувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номлари билан юритилмоқда.

Қуйида таълим амалиётида фойдаланилаётган интерфаол методларини хусусий фанларни ўқитиш жараёнига татбиқ этиш кенг йўлга қўйилган.

Интерфаол методларнинг шакллари турличадир. Бироқ, уларнинг барчаси ўз мазмунига кўра ягона мақсад сари йўналтирилади. Яъни, улар ўқувчиларнинг назарий билимларидан амалиётда мустақил ва самарали фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий муносабатларни уюштиришга тайёрлаш, етук ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, теран ва соғлом фикр, кенг дунёқараш эгаси бўлган комил шахсни камол топтиришга хизмат қилади.

Хусусий фанларни ўқитиш жараёнида янги таълим технологияларини татбиқ этиш хусусий фанлар мазмунини янгилаш, уларнинг асослари борасида ўқувчиларга чуқур назарий билим ларни бериш, назарий билимлар асосида амалий фаолият кўникма ва малакаларини шакллан тириш, такомиллаштириш имконини беради. Хусусий фанларни ўқитиш жараёнида янги таълим технологияларидан фойдаланиш шахс камолотини таъминлашга хизмат қилувчи мустақил фикр юритиш, ўз устида ишлаш, фаолиятга нисбатан ижодий ёндашув каби хислатлар нинг ҳам шаклланишига замин яратади.

Шу боис биз юқорида баён этилган фикрлардан англагандек, хусусий фанларни ўқитиш жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишда ўқув фанларининг ўзига хос хусусият ларини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда педагогик технологияларнинг кенг равишда қўлланилиши албатта унинг истиқболли ривожланишига сабаб бўлди. Унга педагоглар креатив ва инновацион ёндашадиган бўлди. Энди еса биз педагогик технологиялар ижод ва ижодқорлик қобилияти шаклланиши, креативлик ва унинг педагогикадаги ўрни ҳақида сўз юритамиз.

Педагогик технология – (ЮНЕСКО таърифи) – таълим бериш ва ўзлаштириш усулларини яратиш, қўллаш, уларни ягона тизимга келтириш йўли билан инсон

салоҳияти ва техник воситаларининг барча имкониятларидан мувофиқ равишда фойдаланиб, билимлар ўзлаштиришининг энг мақбул жараёнидир[2].

Янги педагогик технология – таълим мақсадларини аниқлаб, ўқув жараёни режасини тузиб, уларни жорий этиш ёрдамида таълим самарадорлигини оширувини таъминловчи ўқув жараёнининг оптимал бошқарувини ўз ичига олган ягона тизимдир.

Инновация – янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти (инглизча инновация – киритилган янгилик, ихтиро).

Инновацион таълим – бўлажак мутахассисни янгича шароитларда ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, у олдинги олган билимлар асосида таълимни такомиллаштиришга самарали янгича ёндашувлар қилишдан иборатдир.

Креативлик – (lot. ing. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёргарликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти[3]. Креативлик бу янгича ёндашувни талаб этувчи бир омил десак адашмаган бўламиз. Чунки йилдан – йилга шиддат билан ривожланаётган замонда яратувчилик, ижодкорлик ғоялари билан инсониятнинг оғири – енгил, машаққати – онсон ва ноқулайи – қулай бўлмоқда. Бу албатта барча соҳаларни қамраб олиши билан таълим соҳасини ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Креатив педагогика бу таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга қаратилган ижодий, янгича, яратувчилик билан ёндашувчи, креатив фикрлаш, мавжуд педагогик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган қобилият ва малакаларни ривожлантирувчи йўл[4].

Креатив педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳозирги кунинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Шиддат билан ривожланаётган даврда таълим – тарбия жараёнида ўзгача фикрлаб ўқувчи ва талаба ёшлар билан янгича фикрлаб дарс ўтадиган ўқитувчи шахсини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун таълим соҳасида улкан ўзгаришлар қилинмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, жамиятнинг маънавий даражаси унда истеъдодли, зиёли, ижодкор ўқитувчининг қадрланиши ҳамда уларнинг илмий – ижодий ишларига ҳар томонлама ёрдам берилиши билан белгиланади. Ўқувчи ёшларни тарбиялаш, таълим-тарбия бериш учун педагог яъни ўқитувчи ҳар томонлама ётук бўлиши методлардан оқилона фойдаланиш боринги, интерфаол методлардан, креатив педагогик технологиялардан ва инновацион таълимдан ўз вақтида фойдаланиш керак. Чунки ёшлар келажагимиз. Қачонки биз педагогларни умумий ыилиб айтганда илмий педагогик кадр қилиб етиштирсак самарали бўларди. Юксак маънавиятли жамиятларда истеъдод эгалари бўлган ижодкор ўқитувчилар миллатнинг ифтихори ва келажаги ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам айнан шу йўлдан бормоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Х.А.Тўрақулов, Ж.Ж.Ҳасанбоев, И.Ш.Алқаров, Н.Ў.Усмонов, О.Х.Тўрақулов. “Илмий тадқиқот асослари”. Тошкент - 2011. “Fan va texnologiya” нашриёти, 2011. 483 б.
2. Х.А.Тўрақулов, О.Х.Тўрақулов, И.Х.Тўрақулова, У.Х.Тўрақулов. “Илмий тадқиқот асослари”. Тошкент - 2019. “Fan va texnologiya” нашриёти, 2019. 630 б.
3. Савурова Ш.А. “Олий таълим ислоҳатлари: Ютуқлар, муаммолар, ечимлар” Республика илмий-амалий анжумани “Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш метод ва воситалари” мақоласидан. Тошкент 2019 25-26 октябрь ( 187-190-бетлар)
4. Ш.А.Саварова ва М.И.Савуров “Таълимда креатив педагогик технологиялардан фойдаланишнинг айрим услублари” мақоласидан “Journal of Physics and Technology Education” <https://phys-tech.jspi.uz> (Online) “Физика ва технологик таълим” журнали Volume 7, Issue 7, 2021. 195-197 бетлар.